



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 12-dekabr, shanba • № 50(4151)

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан  
2015 йил 18 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **электрон ҳукумат** — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар ва техник воситалар тизими;

(Давоми 2-бетда).

### «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА



## КЕНГ ОММА ЖАЛБ ЭТИЛГАН

Барча ҳудудларда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» қизғин давом этмоқда. Одатдагидек бу йилги ойлик тадбирига вилоят Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматлари ходимлари билан бир қаторда газ таъминоти, электр тармоқлари идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари жалб этилган.

Аҳоли турар жойлари, мактаблар, болалар боғчалари, мактаб-интернатлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, даволаш муассасалари, иқтисодий тармоқлари объектлари, тоифаланган, ўта муҳим масканларда белгиланган тартибда тегишли текширув-

лар ўтказилмоқда. Текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга ёнғин хавфсизлиги хизмати, мутасадди идоралар ва ҳомий ташкилотлар томонидан амалий ёрдам кўрсатил-япти.

(Давоми 12-бетда).

### 2016 йил — Соғлом она ва бола йили



## ОЗОД ЮРТНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДИ

Келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, аввало, онанинг саломатлигига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Юртбошимиз раҳнамолигида фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этувчи оналик ва

болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Болажон халқмиз. Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай соғлом улғайишини истаймиз. Шу маънода, 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши айни муддао бўлди, дейиш мумкин. Зеро, соғлом авлодгина эл-юрт

тинчилиги ва осойишталигини таъминлаб, унинг равнақи, фаровонлигига муносиб ҳисса қўша олади.

**Суратда:** Транспортдаги ИИБ Тошкент аэропорти тармоқ ИИБ ППХ отряди милиционерлари, сафдор Зиёдулла Аҳмедов оиласи билан.

Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

### Ўқув йиғини

## БИЛИМ ВА ТАЖРИБАНИНГ ОШИШИ ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳоратини оширишга вазирлигимиз раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга эришиш учун мунтазам равишда ўқув машғулотларининг ўтказилаётгани ўз самарасини бермоқда. Яқинда ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий дала полигонидо касбий тайёргарлик йўналиши бўйича масъул ходимларнинг малака ошириш ўқув йиғини бўлиб ўтгани фикримизга далилдир.



Мазкур ўқув йиғини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларининг касбий тайёргарлик йўналиши бўйича масъул ходимлари билан малака ошириш ўқув йиғинини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан ташкил этилди. Унга кўра, ўқув йиғинига Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ масъул ходимлари жалб этилди.

— Мазкур ўқув йиғинидан кўзланган мақсад шахсий таркибнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини самарали ташкил этиш учун зарурий билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат, — дейди ўқув йиғини бошлиғи, подполковник А. Саримсаков. — Бундан ташқари, уларни она Ватанга садоқат, эл-юрт тинчилигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш, қонунийликка риоя этадиган ва хушмуомала бўлишлари ҳам доимий диққат марказимиздаги вазифалардан саналади.

(Давоми 4-бетда).





## Ифтихор

**М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: фан, таълим ва ёшлар тарбияси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, подполковник Б. Саидов, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти, полковник Ш. Қобилов ва профессор ўқитувчилар ҳамда тингловчилар иштирок этди.

Анжуманда полковник Ш. Қобиловнинг «Ўзбекистон Конституцияси – тинч яшаш ҳуқуқининг мустақкам пойдевори» мавзусидаги кизғин кутиб олинди ва «Энг яхши маъруза» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Конференциянинг «Таълим олиш ва илмий фаолият билан шуғулланишда ёшларнинг конституциявий ҳуқуқлари», «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш: муаммо ва ечимлар», «Кексаларни эъзозлаш ва қадрлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари», «Жамият ва шахс: гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва психологик аспекти» мавзуларида ташкил этилган секцияларида Академия тингловчилари ўзларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги маърузалари билан фаол иштирок этишди.

## ИИВ АКАДЕМИЯСИ ВАКИЛЛАРИ ҒОЛИБ



Академия тингловчилари Ш. Атамуратов (инглиз тилида) ва Н. Пердебаева маърузаларига биринчи, М. Шукурова, Ш. Мажинов, Ш. Мирисаев, А. Курбонов, М. Жалолова,

Б. Файзуллаев маърузаларига иккинчи, М. Мухторов маърузасига учинчи ўрин ҳамда университетнинг дипломлари берилди. Шунингдек, фаол иштирок этган 11 нафар тингловчига

университет сертификатлари топширилди.

Ташкилий қўмита қарорига мувофиқ, анжуманда иштирок этган 55 та олий таълим муассасаси ўртасида

умумжамоа ҳисобида ИИВ Академияси биринчи ўринни қўлга киритди.

**Насриддин ИСМОИЛОВ,**  
подполковник.

## Огоҳ бўлинг!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнган чикши нуктаи назардан хавфли ҳисобланади. Шу туфайли ҳам пиротехника воситаларидан фойдаланиш бевосита одамлар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

Пиротехника воситалари одамларнинг тинчини бузиб, руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, кучли кўркун сабаб турли касалликларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида инсон ҳатто бир умрга ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин. Энг ёмони, пиротехника воситаларининг болалар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатишидир.

— Пиротехника воситаларининг пақиллаб, атрофга чақнаши, айниқса, болаларни ўзига мафтун қилади, — дейди республика Шошинч тиббий ёрдам илмий маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Абдулазиз Фаёзов. — Бироқ пиротехник ўйинчоқлар болада қўпол хатти-ҳаракатлар, жаҳлдорлик, асабийлик ҳолатларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳар гал пақилдоқлар ҳақида гап кетганда, кўз олдига юз-кўзи куйиб кетган

## ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

**Қиш бошланиши, аниқроғи, Янги йил байрами яқинлашиши билан кўпчилик пақилдоқларни эсга олиши табиий. Чунки бу пайтда пиротехника воситаларини мамлакатимиз ҳудудига хуфёна тарзда олиб кириш ва сотишга ҳаракат қилувчи кимсалар ғимирлаб қолишади. Тўғри, айти пайтда юртимизда пиротехника воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга деярли барҳам берилган бўлса-да, бу хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди.**



болакай келади. Ўзим ана шу ёш болада жарроҳлик амалиётини ўтказган эдим. Юзи куйиб, ўрни чандиқ бўлиб қолгани етмагандай кўриш аъзолари қаттиқ шикастланганидан кўзи хира-

лашиб, кейинчалик умуман кўрмай қолганди. Пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг бундай салбий оқибатида биринчи галда унинг ота-онаси айбдор, менимча.

Келтирилган ушбу ҳаётий мисолнинг ўзиёқ гарчи кейинги йилларда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши, улардан фойдаланилиши, шунингдек, улар-

нинг мамлакатимизга олиб кирилиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришни талаб этади.

— «Ёнган хавфсизлиги ойлиги» давом этаётган айти кунларда таълим муассасаларида ўтказилаётган профилактик тадбирларда пиротехника воситалари ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ 14-ХЁХК кичик инспектори, катта сержант Боқижон Ғоипов. — Жойларда пақилдоқларнинг аянчли оқибатлари акс эттирилган видеоларлар намойиш этилмоқда.

Пиротехника воситаларини мамлакатимизга олиб кириш қатъиян ман этилган. Уларни сотишга уринганлар, сотганлар қонуний жавобгарликка тортилади. Бундан кўзланган мақсад аҳолимиз, шу жумладан, фарзандларимизнинг соғлиғи, хавфсизлигини таъминлашдир. Шундай экан, асабузар пақилдоқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайлик. Бу нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки барчамизнинг вазифамиздир.

**Тоир ТОШПЎЛТОВ,**  
сафдор.

**О'ЗBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

MUASSIS:  
**О'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari –  
**Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib v.b. –  
**Zokir BOLTAYEV**  
Navbatchi –  
**Mixli SAFAROV**  
Sahifalovchi –  
**Rustam ISOQULOV**  
Matn ko'chiruvchi –  
**Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 254-18-79.



Tahririyat  
hisob raqami  
20210000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosil-  
ganda «Postda»dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida chop  
etiladi. Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Buyurtma №S-4627. Bosilish – ofset usulida.  
Hajmi – 4 bosma taboq. 69406 nusxada chop etildi.  
Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar  
uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00.  
Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**